ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 31 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 180 – 181 (13.243–13.244)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий равнақ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг мактубида шундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

1 сентябрда нишонланадиган Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига қизғин табрикларимни йўллайман.

Мамлакатингиз бу тарихий санани байрам қилаётган шу кунларда биз Ўзбекистон мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор таъкидлаймиз. Америка Қўшма Штатлари 1991 йилнинг 25 декабрида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган пайтдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам шериклик муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатларимизнинг янада хавфсиз, фаровон ва демократик келажак йўлидаги ҳамкорлиги узоқ йиллар давом этишига ишонаман.

Америка Қўшма Штатлари халқи Сизни мустақил Ўзбекистон тарихидаги ушбу муҳим сана билан муборакбод этади.

Эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин йўллаган мактубда шундай қайд этилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноби Олийлари!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўзим номимдан Сиз ва дўст Ўзбекистон халқига самимий табрикларим ва қизғин тилакларимни изҳор этаман.

Мустақилликнинг 25 йили давомида жаноб Президент раҳнамолигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик ва жадал иқтисодий тараққиёт сақланиб, мамлакатнинг халқаро нуфузи салмоқли даражада юксалди, давлат қурилиши соҳасида ёркин муваффақиятларга эришилмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жаноб Президент томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели" мамлакатдаги реал воқеликларга мос келади ва улкан ҳаётий кучга эгадир.

Сўнгги йилларда Хитой – Ўзбекистон муносабатларида яхши ривожланиш тенденциялари сақланиб турибди ва янги стратегик даражага эришилди. Хитой ва Ўзбекистон алоқалари ривожланиб бораётгани ва ўртамиздаги самимий дўстликни юксак қадрлайман. Хитой – Ўзбекистон муносабатларида юксак самараларга эришиш ва халқларимиз фаровонлиги йўлида кенг кўламли стратегик шерикликни изчил ривожлантириш учун Сиз билан доимо барча саъй-ҳаракатларни қилишга тайёрман.

Мамлакатингизга равнақ ва юксак салоҳият, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Президент Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва ишларингизда муваффақият тилаб қоламан.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти – **Йоахим Гаук**

Польша Республикаси Президенти – **Анджей Дуда**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти – **Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими – **Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Абу-Даби Валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари бош қўмондони ўринбосари – **Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти – **Имомали Раҳмон**

Озарбайжон Республикаси Президенти – **Илҳом Алиев**

Беларусь Республикаси Президенти – **Александр Лукашенко**

Украина Президенти – **Пётр Порошенко**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти – **Муҳаммад Ашраф Ғани**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби – **Сергей Лебедев**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби – **Толиб Рифаи**

Энергетика хартияси бош котиби – **Урбан Руснак**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси – **Кэролин Лэмм,**

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси президенти – **Стивен Надерни**

"МАКСАМ" компаниясининг президенти ва ижрочи директори – **Хосе Фернандо Санчес-Хунко**

"Хуавей Текнолоджиз Ко.Лтд" компанияси президенти – **Жэн Чжэнфэй**

"НЭК Корпорейшн" компанияси президенти – **Нобухиро Эндо**

Япония тиббий ускуналар соҳасида ташқи техник кўмак бўйича ташкилоти раиси (OMETA) – **Кенъичи Мацумото**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Дойче Кабель АГ Ташкент" қўшма корхонаси инвестори – **Фальк Порше**

"Пиканол" компанияси бош ижрочи директори – **Люк Так**

"Туркистон – Америка ассоциацияси" раиси – **Абдулла Хўжа**

АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти – **Борис Кандов**

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг ректори – **Виктор Гришин**

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси – **Сиддхарт Саксена**

Конрад Аденауэр номидаги жамғармanинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили – **Томас Кунце**

Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари – **Юрий Штерк**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
25
O'ZBEKISTON

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Энг улуғ, энг азиз байрам мустақиллигимизнинг 25 йиллигини ўзгача шукуҳ билан кутиб олиш мақсадида юртимизнинг барча гўшаларида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ҳам улуғ байрамимиз муносиб кутиб олинмоқда.



"ЁШЛИК" ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА





"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси 1992 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топди. Ҳудудда 9 та маҳалла, 9 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 19 та таълим муассасалари мавжуд.

Шаҳарчада Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази, ЎзМУ, ТДТУ, ТТА, ТМИ, Тошкентдаги Турин политехника университети спорт мажмуалари мавжуд бўлиб, у ерда талабалар иштирокида турли мусобақалар ўтказиб келинади.

— Эзгу ниятларни қалбларига жо этган, ўзбек номини дунёга танитувчи, келажагимиз пойдеворлари бўлмиш ёшлар эртанги кунга ишонч кўзи ила боқиб дадил қадам билан юксакларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Қаҳрамон Шоназаров. — Ана шундай мақсадларни амалга ошириш учун таълим муассасалари зарур ўқув ва техник ускуналар билан жиҳозланган. Айтиш жоизки, янги ўқув дастурлари ва қўлланмалар, илғор педагогик технологияларнинг амалиётга татбиқ этилиши ёшлар камолоти йўлида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

(Давоми 2-бетда)

("Ёшлик" талабалар шаҳарчасига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ЭСДАЛИК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари, жамоат арбоблари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ва бошқалар мустақиллик туфайли тарихан қисқа вақт ичида минтақадаги фаровон давлатлардан бирига айланган мамлакатимиз дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари қаторидан ўрин эгаллаганини таъкидлади. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган тинчликпарвар сиёсат мамлакатимиз равнақи ва халқимизнинг тинч ҳамда осуда ҳаётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларини замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинлар сафарбарлиги ва тезкорлигини ошириш, қўмондонлик таркиби ва сержантлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларга "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишонлари топширилди.

– Эсдалик нишонини қўлимга олганимда мамлакатимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари кўз ўнгимда намоён бўлди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари Сарвар Мамаюсупов. – Бундай юксак унвон билан тақдирланганим ва юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётганим билан фахрланаман. Бундан буён ҳам Ватанимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида Наманган шаҳрида "Аёллар комплекси" спорт-соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди. "Дўстлик" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган мажмуада хотин-қизларнинг руҳан тетик ва жисмонан соғлом бўлишини таъминлашга қаратилган сервис хизматлари кўрсатиш имконияти яратилди. Мажмуанинг тўрт қаватли муҳташам биноси ва ўзига хос микроиқлим ҳосил қилинган ҳовлисида фитнес, шейпинг, сауна, бассейн, фитобар, физиотерапия хоналари, замонавий тренажёрлар билан жиҳозланган спорт зали фаолияти йўлга қўйилган.

● Қашқадарёда "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ғолиблар 9 номинация бўйича аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Термиз шаҳрида бунёд этилган икки ва уч хонали "Камолот" уйининг калитлари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида 64 ёш оилага топширилди. Байрамни янги уйларда кутиб олаётган ёш оилалар сафида Ватан тараққиёти, юрт келажаги йўлида фидокорона меҳнати билан тенгдошларига ибрат бўлаётган турли соҳа вакиллари бор.


ЖАҲОНДА

● Гонконг полицияси томонидан амалга оширилган рейд чоғида жиноий гуруҳларнинг 150 дан ортиқ аъзолари қўлга олинди.

● Колумбия исёнчиларининг етакчиси ҳукуматга қарши жанговар ҳаракатларнинг тўхтатилишини маълум қилди.

● Қозонхонада рўй берган йирик носозлик туфайли Ёкутистондаги ичимлик суви таъминоти тизимига уч тонна нефть тўкилди.

“ЁШЛИК” ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ:
БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА











(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, жаннатмонанд диёримизда ёшларнинг билим олишлари, буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Ал-Фаробий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг ишларини давом эттиришлари учун кенг имконият эшиклари очиб берилмоқда. Бу қулай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ёшларимиз жаҳон ареналарида ўзининг ақл-заковати ва устозларидан ўрганган кўникмалари асосида нуфузли ўринларни забт этиб келмоқда.

Шаҳарча ҳудудида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Ҳаммаёқ ям-яшилликка бурканган, соя-салқин гўша барчага хуш ёқмоқда. Шаҳарчанинг қай бир кўчасидан юрмайлик гулу райҳонларнинг ифори димоғингизга урилади. Бундан қўриниб турибдики талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган ёшлар ҳамжиҳатликда, ҳашар йўли билан турар жойларини тоза, озода сақлаб обод қилишмоқда.

Яна шуни айтиш жоизки, талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ва мароқли ўтказишлари учун шаҳарчада қатор қулайликлар яратилган. Қолаверса ёзувчи ва шоирлар, устоз санъаткорлар, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари билан учрашувлар, маънавий-маърифий, таълим-тарбия масалалари бўйича тадбирлар ўтказилиб турилишининг ўзи, бу гўшада қизғин ҳаёт давом этаётганини тасдиқлайди. Ишонамизки, навқирон авлод Ватанимиз равнақи ва ривожланиши йўлида яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олади ва мамлакатимиз нуфузини янада ошириш йўлида ҳамиша хизматга шай бўлади.

Талабалар шаҳарчасидаги “Зиё” маҳалласи фуқаролар йиғинининг ўзига хос нуфузи ва ўрни бор. Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида ушбу нурли масканда ҳам самарали ишлар олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик.

Маҳалла

ЗИЁ ТАРАТАЁТГАН МАСКАН

Мазкур маҳалла 2003 йили ташкил топган бўлиб, ҳозирги кунда 6823 нафар аҳоли истиқомат қилади. Мазкур ҳудудда 45 та якка тартибдаги хонадонлар, 40 та кўп қаватли уйлар, 3 та шифохона, 2 та мактаб, 2 та академик лицей, 2 та коллеж ва 1 та олий ўқув юрти бинолари жойлашган.

– Маҳалламиз аҳолиси бугунги дориломон кунларда тинчлик-тотувликда истиқомат қилиб келмоқда, – дейди “Зиё” маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Баҳриддин Тоштемиров биз билан суҳбатда. – Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб кутиб олиш учун маҳалла аҳли билан биргаликда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишларини изчиллик билан олиб бормоқдамиз. Истиқлол бизга эркинликни инъом этди. Имкониятлар эшиги очилди. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз бахтли ва саодатли, кексалар ҳурмату иззатда. Инсон қадри сарбаланд юртда яшаётганимизга шукрона келтириб яшашимиз лозим.

Дарҳақиқат маҳаллада ҳар соҳада ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ёшларнинг келажагида ва маънавиятининг юксалишида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Маҳалла фаоллари ва у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг саъй-ҳаракатлари, маслаҳатлари билан ёшлар ҳар томонлама комил, иқтидорли ва билимли бўлиб етишмоқда.

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика марказига йўл олдик.

Марказ 2006 йил 31 августда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунги кунда талаба-ўқувчилар ва барча ёшдаги аҳоли учун севимли масканлардан бирига айланган десак муболаға бўлмайди. Марказнинг умумий майдони 7,5 гектар бўлиб, учта баскетбол, иккита мини-футбол майдончаси ва теннис кортига эга. Қолаверса бугунги кунда сув ҳавзаси 1 соатда 100 дан ортиқ сув спорти сузувчиларига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, олимпия стандартларига мос равишда қурилган. Бассейннинг узунлиги 51, эни 21 метрни, чуқурлиги эса ўртача икки метрни ташкил қилади. Умумий сув ҳажми 2150 тонна куб бўлиб, хориждан келтирилган 1,5 тонналик фильтрлар ҳисобига сув 24 соат мобайнида тозаланиб турилади.

— Марказимизга ташриф буюраётганларнинг аксариятини ёш ўғил-қизлар ташкил этади. Уларга 11 нафар мураббий бириктирилган бўлиб, шундан 3 нафари аёл мураббийлар сув спорт турининг барча сир-синоатини ўргатиб келмоқда, — дейди Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази директори Чори Саидов. — Марказимиз нафақат сув спорти турлари бўйича ёшларни чиниқтирадиган муассаса, балки спортнинг бир қанча турлари бўйича мусобақалар ўтказадиган ва спортчиларни етиштириб берадиган, ёшлар саломатлигини муҳофаза қиладиган, уларга тетиклик ва соғлом турмуш тарзини ҳадя этадиган маскандир.

Таълим

КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУКАММАЛ ЎРГАНИЛМОҚДА

Юртимизда ёшларнинг ўқиб билим олиши, бирор бир касбнинг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун таълим муассасаларида барча қулай имкониятлар яратилиб берилмоқда.

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган таълим муассасаларидан бири Тошкент Давлат техника университети қошидаги “Компьютер технологиялари” академик лицейининг фаолияти билан яқиндан танишдик. Ушбу академик лицей 2004 йил май ойида ташкил қилинган бўлиб, аниқ ва гуманитар фанлар йўналишига мўлжалланган.

— Лицейимиз иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни техник йўналишдаги олий таълим муассасаларига киришга тайёрлашга йўналтирилган, — дейди Тошкент Давлат техника университети қошидаги “Компьютер технологиялари” академик лицейи директори Муҳожира Якубова. — 2015-2016 ўқув йилида 82 фоиз битирувчиларимиз республика ҳамда хорижий мамлакатларнинг нуфузли олийгоҳларига ўқишга киришди.

Ўқувчи-ёшларнинг чуқур билим олишлари учун лицей энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, физика, кимё, биология лаборатория хоналарида амалий ишларни олиб бориш имкониятига эга.

Ўқувчилар дарслардан бўш вақтларида спорт ва тренажёр залларида ўтказиладиган спорт тўгаракларида шуғулланишлари мумкин. Шу билан бирга ахборот-ресурс марказида ўқувчиларга уй вазифаларини бажариши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Очиқ дарсларни ўтказиш учун мажлислар залига интерактив проектор ўрнатилган. Компьютер билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ўқувчиларга интернет тармоғи орқали зарур ахборотлардан фойдаланиш имконини беради.

Шунингдек мазкур академик лицейда турли хил тўгарак ва тайёрлов курслари ҳам ташкил этилган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, академик лицейда бугунги кун ёшларининг тўлиқ, пишиқ-пухта билим олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Саҳифа материалларини Зафар НАЗАРОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси сифатидаги миссиясини жорий йилнинг 11 август куни тугаллаган Фумихико Като билан мулоқотда бўлди.

ФУМИХИКО КАТО:

“БАҒРИКЕНГЛИК ВА МЕҲМОНДЎСТЛИК ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АСОСИЙ ФАЗИЛАТИ ҲИСОБЛАНАДИ”

— Қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтиб, жаҳондаги мураккаб бир шароитда барқарор ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлаётган мамлакатингизга ўз ҳурматимни изҳор қилишни истардим, — деди япон дипломати. — Буларнинг барчаси ўзбек халқининг тиришқоқлиги, заҳматли меҳнати натижаларидир.

Республикамизнинг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, Фумихико Като мамлакатимиз улкан имкониятларга эгалигини, ўзбек замини табиий захираларга бойлиги билан бир қаторда, юртимизда қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳам катта салоҳият мавжудлигини айтди.

Япон дипломати давлатимиз юритаётган ижтимоий сиёсатга юқори баҳо бериб, мамлакатимизда ҳар бир йил муайян ижтимоий йўналишни ривожлантиришга бағишланиши, тегишли давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бошқа мамлакатлар учун яхши намуна эканлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш, айниқса, оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги муваффақиятларини алоҳида қайд этди.

Ф.Като заминимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳукм сураётгани мамлакатимиз барқарор тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлигини ҳам эътироф қилди. Унинг сўзларига қараганда, ушбу табаррук заминда яшайдиган барча миллат ва элатлар вакилларига нисбатан “хайрихоҳлик ҳамда бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлиш муҳити” мавжуддир.

— Бағрикенглик ва меҳмондўстлик ўзбекистонликларнинг асосий фазилати ҳисобланади, — деди япон дипломати. — Мамлакатингизда ишлаган йилларим давомида мен бунга шахсан ишонч ҳосил қилдим.

Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожи хусусида тўхталар экан, Кунчиқар юрт вакили қуйидаги фикрларини баён этди:

— Давлатларимиз жуғрофий жиҳатдан бири-биридан узоқ масофада жойлашган бўлса-да, уларни кўҳна ва мустаҳкам дўстлик ришталари боғлаб туради. Замонавий босқичда тегишли дастурлар доирасида мамлакат тараққиётига кўмаклашиш мақсадига йўналтирилган турли лойиҳаларни амалга ошириш асносида Япония Ўзбекистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бироқ биз эришилган натижалар билан чекланиб қолмаймиз, аксинча муносабатларимиз стратегик шериклик мақомига том маънода мувофиқ бўлиши учун керакли чора-тадбирларни кўраяпмиз (2002 йили Ўзбекистон ҳамда Япония Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолаган эди — таҳр.). Ўтган йилнинг октябрида Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки томонлама алоқалар тарихида муҳим воқеа бўлди.

Фумихико Като 2004 йили иш бошлаган “Марказий Осиё+Япония” мулоқоти доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик ривожига алоҳида тўхталди. Дипломат эслатиб ўтганидек, 2014 йили ушбу мулоқот ташкил топганининг 10 йиллиги нишонланиши муносабати билан ташқи ишлар вазирлари йиғилишида иштирокчилар амалий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бу минбардан фойдаланишни давом эттириш юзасидан якдил фикр билдирдилар. Унинг маълум қилишича, ҳозирги пайтда “Марказий Осиё+Япония” мулоқоти доирасида қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларида аниқ-равшан лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш масалалари муҳокама этилмоқда. Шунингдек, Ф.Като Япония ҳукумати “ҳамкорликнинг ушбу шакли доирасида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни янада мустаҳкамлаш ниятида” эканлигини айтди.

Суҳбатдош қуйидаги тилакларни изҳор этиш билан ўз фикрларини якунлади:

— Мустақилликнинг 25 йиллиги билан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман! Ишончим комилки, Япония ва мамлакатингиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан кейин ҳам изчил ривожланади ҳамда мустаҳкамланади. Чин қалбимдан бардавом тинчлик ва фаровонлик тилайман!

“Жаҳон” АА


Тенгри Мамадаминов олган сурат

Танлов

НАМУНАЛИ ҲАРБИЙ ОИЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида "Намунали ҳарбийлар оиласи" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб илк бор Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари оилалари ўртасида ташкил этилган танловда иштирокчилар учта шарт бўйича баҳс олиб борди.

Президентимиз раҳнамолигида оила институтини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. "Намунали ҳарбийлар оиласи" кўрик-танловининг мақсади ҳам Ватан ҳимоячилари оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Кўрик-танлов натижасига кўра, Мудофаа вазирлигидан сержант Ф.Аҳмедов оиласи, Ички ишлар вазирлигидан майор О.Алиқулов оиласи, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларидан катта лейтенант Р.Кенжаев оиласи, Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан сержант В.Абдуқодиров оиласи турли номинациялар бўйича ғолиб деб топилди.

– Юртимизда азал-азалдан оилага тарбия ўчоғи сифатида қаралган, – дейди сержант Ф.Аҳмедов. – Ўғил-қизларимизнинг ҳаёт ҳақидаги илк қарашлари, яхшилик ва эзгулик, меҳр-оқибат, ор-номус каби олижаноб тушунчалари айнан ушбу масканда шаклланади, ривожланади. Одобли, ақл-идрокли, билимли, меҳнатсевар фарзанд эса нафақат ота-онанинг, балки бутун бир жамиятнинг бойлигидир. Президентимиз раҳнамолигида биз, ҳарбийлар ва оила аъзоларимиз учун яратилаётган шароит ва имкониятлардан барчамиз миннатдормиз. Бу танловда қатнашиш оиламиз учун жуда қизиқарли ва мароқли бўлди. Дўстлар орттирдик, билим ва малакамизни оширдик.

Ғолиб ва совриндорлар махсус диплом ва совғалар билан тақдирланди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

Мушоира

Иқбол МИРЗО

ЖАННАТ МАКОНИМ МЕНИНГ...

Ўзбекистон, жонажоним, ёлғизим,
Боболарим кафтидаги юлдузим,
Жаннатлардан сувлар ичган илдизим,
Жаннат маконим менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Самандарсан – оловлардан соғ чиққан,
Бузрукворсан – етти ўғли шоҳ чиққан,
Алпомишсан – кўксидан чақмоқ чиққан,
Ўлмас достоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистоним.

Ялпиз атрин билмас деҳқон бўлгайми?
Тинчлик қадрин билмас ўғлон бўлгайми?
Юртин севмас одам инсон бўлгайми?
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Неча аср кўз ёшларин ютган эл,
Соҳибқирон қайтишини кутган эл,
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,
Ўзбекистон менинг, Ўзбекистон,
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАС, ЎЗБЕК

Эгасиз ва оёқости бўлмас ўзбек,
Хоҳлаган сув оладиган қўлмас ўзбек.
Донг таратган ва ўзига қаратган эл,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.
Ватангадо, юртфурушлар англамаслар,
Олтиндай соф ҳикматлар ҳеч зангламаслар.
Она ҳамда Ватанни-ку танламаслар,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Борган жойин обод қилган Бобурлари,
Мазлумларни озод қилган Темурлари.
Тоғлардан ҳам баландроқдир ғурурлари,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Ўғил-қизлар шиддати-ю шаштини кўр,
Бировга бош эгмасликнинг гаштини кўр.
Юрак бўлса, рингга чиқиб муштини кўр,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Яратгандан бошқасига қулмас ўзбек,
Ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмас ўзбек.
Донг таратган ва ўзига қаратган эл,
Ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

ИФТИХОР

Дунё билан тенглашдик биз
Зарбулдостон бўлди бунёд,
Саҳро билан сирлашдик биз
Боғу бўстон бўлди бунёд.
Тупроқ олсак олтин бўлди,
Бўлганига минг бор шукр,
Бир мушт бўлиб
бирлашдик биз,
Ўзбекистон бўлди бунёд.

Майдонларда юрт шаъни деб,
Рақибла куч талашгаймиз,
Омад бизга қарашганда,
Биз Ватанга қарашгаймиз.
Белда белбоғ, дилда орзу,
Бўлди, баланд байроғимиз,
Даврон бизга хўп яраша,
Биз давронга ярашгаймиз.

Улуғликни берди Тангрим,
Юрт деб заҳмат чекканларга,
Ёш юракка эзгуликнинг
Ниҳолини экканларга.
Қайтиб берди Соҳибқирон
Савлатини, давлатини,
Нигоҳини ғолибликнинг
Чўққисига тикканларга.

Мард ўғлонлар туққан элим,
Тушмасин, ҳеч бошдан тожинг,
Шу юрт учун фидо бўлмоқ
Сенинг фахринг, сенинг
розинг.
Улуғ йўлда авлодларга
Тутқазолдинг машъалани,
Токи, дунё тургунича
Янграсин баланд овозинг.
Дунё билан тенглашдик биз!..

* * *

ЭЛИМ ЭККАН НИҲОЛЛАР

Элим, экган ниҳолларинг дарахт бўлди,
Устун бўлди, бугун янги томларингга.
Заҳматингни кўриб кимлар карахт бўлди,
Кимлар куйлаб шон қўшдилар шонларингга.

Бир-бирига елка тутиб берган элим,
Оналарин бошда кўйиб юрган элим,
Иш бошласа, отасидан дуо олиб,
Қўрғонига олтинда ғишт қўйган элим.

Ёварнинг ҳам келаётир ҳаваслари,
Майли, оз-оз келиб турсин ҳасадлари.
Уйларингдан – Соҳибқирон, Мирзо Бобур,
Келиб турсин – Яссавийнинг нафаслари.

Тоғ тошини меҳри билан ёрган элим,
Бардошини сабри билан қорган элим,
Кексаларин, улуғларин рози қилиб,
Ўзи билмай Ҳаж сафарга борган элим.

Шундай қолгин, ёварингга алданма ҳеч,
Болангни ҳам асра, доғда қолмагин кеч.
Юртсотарлар пана-пастда пойлайверсин,
Сен улардан гуллаб-яшнаб, ололгин ўч.

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

ОБОД ЮРТИМ

Истиқлолга эришган халқим,
Шодлигингга шодлик
қўшилсин!
Истиқболинг айлагин ёркин
Томирингда қонинг жўш урсин!

Кўплар кўрмай кетган бу
кунни
Бизлар кўрдик, шукр қилайлик.
Шу сабабли ҳамнафасларни
Бахти кулган авлод билайлик!

Кимлар бизга ола кўз билан
Қарашини ҳеч унутмайлик.
Ўзлигимиз англаб, ўзгадан
Илтифотни асло кутмайлик!

Бир бош, бир тан бўлиб
ҳамнафас,
Юрмоқ, турмоқ бўлсин
аҳдимиз!
Шунда доим ўз нурин сочар
Эришилган ютуқ, бахтимиз!

Миржамол МИРЯКУБОВ

СИФАТ СТАНДАРТИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

"Ўзстандарт" агентлигида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа ходимлари иштирок этди.

"Ўзстандарт" агентлиги бош директори А.Қурбонов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, халқаро сифат стандартлари асосида фаолият кўрсатишга бўлган эътибор туфайли маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаётганини таъкидлади.

Айни пайтда агентлик тизимида ўттизга яқин сифатни сертификатлаштириш идораси фаолият юритмоқда. "Ўзстандарт" агентлиги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Давлатлараро стандартлаштириш кенгаши ва Давлат метрологик муассасаларининг Евро-Осиё ҳамкорлигининг тўлақонли аъзоси.

Халқаро ташкилотлар билан тузилган битимларга асосан 50 мингга яқин халқаро стандартлардан фойдаланиш имкони яратилган. Синов ва сертификатлаштириш, назорат ва экспертиза соҳасида йирик инспекция компанияси "Societe Generakde Surveillance" (SGS) билан имзоланган келишувга кўра озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари синов натижаларининг 140 дан ортиқ давлатда тан олинишига йўл очилди.

Мамлакатимизда сифатни бошқариш тизимларини жорий этган корхоналар 2 минг 600 дан ошган. Бу стандарт истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларнинг камайиши, ишлаб чиқарувчилар устидан сифат бўйича доимий назоратни амалга ошириш имконини бераётир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутаётган "Ўзстандарт" тизимида меҳнат қилаётган ходимлар меҳнати доимий равишда муносиб рағбатлантирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 1 июлдаги фармонига мувофиқ таъсис этилган "Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил" эсдалик нишони билан агентликнинг 25 ходими тақдирланди. Уларга эсдалик нишонлари тантанали равишда топширилди.

СУҒУРТАДА ЯНГИ МОДУЛЬ

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компаниясида интернет фойдаланувчилари учун онлайн тартибида саволларга жавоб бериш йўли орқали суғурта асосларини ўрганиш ва уларнинг соҳага оид билимларини текшириб кўриш имконини берувчи модуль ишга туширилди. Онлайн тартибда ишлаётган мазкур ишланмадан фойдаланаётганлар сони кун сайин ортмоқда.

www.uzbekinvest.uz веб-сайтида жойлаштирилган ушбу янги модулдан суғурта масалалари, хусусан, суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари, суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби, шунингдек, компаниянинг фаолияти билан боғлиқ маълумотларга эга бўлишни истаганлар фойдаланиши мумкин.

– Суғурта соҳасини мустақил ўрганиш ҳамда эгалланган билимларни тест топшириш орқали текшириб кўриш имконини берувчи янги модуль аҳолининг суғурта маданиятини оширишга хизмат қилади, – дейди компания департаменти менежери Мукаррам Алибоева. – Янги ишланма ҳар бир мутахассис учун билимлар манбаи бўлиб, ходимларимиз ва агентларимизнинг ҳам малакаси онлайн режимда оширилмоқда. Бу эса вақтни ва маблағни тежаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида компанияда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, суғурта шартномаларини тузишда ва суғурта ҳодисалари юз берганда мижозларга амалий кўмак берувчи ахборот-маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. Ҳозир мазкур гуруҳлар суғурта соҳасига оид қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартишлар, мавжуд суғурта турлари, суғурта шартномаси шартлари, суғурта даъволарини кўриб чиқиш қоидалари ва бошқа масалалар тўғрисидаги маълумотларни мижозларга етказмоқда.

(ЎзА)

Шу кунларда бутун юртимиз бўйлаб мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида тараннум этилмоқда. Йигирма беш йил ичида бутун халқимизнинг дунёқараши ўзгариб, уларнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганини кузатиш мумкин.

Ёшлар – келажагимиз

ИСТЕЪДОД, БИЛИМ ВА ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда, таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёшлар ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда. Энг муҳими ёш авлоднинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётгани Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, биз, ота-оналар, устозлар, умуман катта авлод вакиллари ёшларимизни эзгуликка ўргатиш, Ватанга, халққа, бой маънавий қадриятларимиз ва илмий меросимизга садоқат руҳида тарбиялашга, етук мутахассис қилиб вояга етказишга масъулмиз.

Маърифатли шахс фақат билимлар тизимини эгаллаш билан чекланмай, фикрлашга ўрганиши, тафаккури ўсган бўлиши зарур. Ёшлар тафаккурини шакллантиришда, айниқса устозларнинг роли катта. Кийим-кечакни бир кунда ўзгартириш мумкин, лекин тафаккурни ўзгартириш учун муддат керак. Шукроналар бўлсинки, ўзининг 25 йиллигини нишонлаётган Ўзбекистонимизда ёшлар онги ўзгарди. Жамиятимизда соғлом муҳит бунёд бўлди. Тафаккурни ривожлантириш таълимнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолди. Эндиликда ёшлар бугунги куннинг шиддатига, глобаллашувига мослашиб бормоқда. Таълим жараёнида фақат хотирага асосланиб билим бериш эмас, балки шахснинг тафаккурини ўстириш талаб этилмоқда.

Тафаккур деганда шахснинг маълум муаммо ҳақида ўйлаши, фикр юритиши тушунилади, у кенг ва чуқур билимга асосланади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий "Ки ҳар ишни қилди одамизот, тафаккур бирла билди одамизот" – деган ғояни юксак даражага кўтарган. Таълим жараёнининг барча босқичида талабани фикр юритишга мажбур этадиган топшириқларни таклиф этиш зарур. Бу топшириқлар фаннинг ўқув мажмуасида, дарс режаси ва ўқув харитасида акс эттирилган бўлиши лозим. Эндиликда Тошкент фармацевтика институтида маърузалар, семинар ва амалий машғулотларни ўтказишга янгича ёндашиш, ҳар бир машғулотда талабанинг изланувчанлигини рағбатлантириш, мустақил ва эркин фикрлашга имконият яратиш, таълим жараёнида мунозара, илмий тортишув, нуқтаи назарнинг турлитуманлигини қўллаб-қувватлаш ғояси илгари сурилмоқда. Бу ғоя ёшларнинг билмаганини эслаб қолишга эмас, балки фикрлашга, тафаккур этишга ўргатмоқда.

Бугун янгича шарт-шароит ва муҳитда камол топаётган, эртанги кунга дадил қадамлар билан интилаётган ёш авлод вакиллари сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ўғил-қизларимиз эъзозу эҳтиромда, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрлиги ва нурли умиди тафтидан баҳраманд бўлиб улғаймоқда, вояга етмоқда.

Қувонарлиси, ёшларимиз ижодга, айниқса илм бобидаги фаолиятга кўнгил мунаввварлиги деб қарайди. Институтда ўз вужуди ва руҳиятини бошқара олиш қобилиятига эга, ҳар ишга мустақил, яхши ният, астойдил завқ ва шавқ билан киришадиган, доимо ишонч, қатъият ва журъат ҳисси билан яшайдиган, ҳаётдаги қийинчиликларни осон енга оладиган ёшларимиз жуда кўп. "Ижод булоғи"нинг сувидан татиб кўрган талаба ёшларимиз ҳар бир илмий мақоласи чоп этилганда, ихтироси учун патент олганда ёки илмий маърузалар қилганда, ўзини-ўзи қайтадан кашф этгандек ҳис қилади.

Кейинги вақтда биринчи босқичдан бошлаб илмий мавзу олиб, беш йил давомида талабалар илмий тўгарагида, кейинчалик магистратурада таҳсил олиб, 30-35 ёшида докторлик диссертация ишини якунлаб, ҳимояга чиқишмоқда. Бундай ижодкор ёшларга мисол қилиб Ш.Искандарова, И.Ходжаева, З.Убайдуллаева, Ф.Мақсудова, А.Шарипов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Яна истеъдод, билим ва уйғунлик бобида шуни таъкидлаш лозимки, агар ҳаёт инсонга шодлик келтирса, у ҳаётдан баҳраманд бўлади. Уйғунлик қонунларига асосланган принципларни ёшларга эслатиб ўтишни лозим топдик: ҳар бир кун, ҳар бир дақиқанинг муҳимлигини ҳис этиб яшаш керак. Бу деган сўз ҳаётнинг ҳар бир кунини ўзимизга ва бошқаларга фойдали бўлишини таъминлаб, донолик ва хайрихоҳлик билан яшашимиз лозим.

Тақдирни тақдирлаш, ҳар доим шукроналик ҳисси билан яшаш лозим. Шунда ҳаётда хурсандчилик, саховат, бахт ва омад бўлади. Ҳар бир ҳодисадан яхшилик, ёрқинлик, эзгуликни кўриш лозим, шунда нохушлик сизни айланиб ўтади. Ҳаётда шундай шароит бўладики, сиз уни ўзгартира олмайсиз. Нима қилсам ҳам ўзгартираман деб уринманг, вазиятни, яхшиси ўзингиздан бироз йироқлаштиринг, қалбингизга қулоқ солинг.

Ёмон фикрлардан холис бўлишга ҳаракат қилинг. Саховатдан қизғанманг, бировлардан хафа бўлманг, ўзингиз ҳам бировларни хафа қилманг. Инсонларга раҳмдиллик, меҳрибонлик, шафқатли ва эътиборли бўлинг. Ҳар доим ҳаётга умид билан қаранг. Кун омадсиз деб ўйламанг. Эрта тонгдан ўзингизни омад, бахт, ишингизнинг ўнгидан келишига чорланг. Бахтли бўлишга одатланинг, шунда сиз ўйлаган нарсалар, яхшиликлар рўёбга чиқади. Албатта кун мўъжизали бўлади. Соғман, ҳеч нарса безовта қилмаяпти, ўзингга шукр – деб яшанг.

Биз, устозлар, ижодкор ёшларимизга изланишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз ва келажакда юртимиз фармацевтика соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишларига ишонамиз.

Собиржон АМИНОВ,
Ўзбекистон фан арбоби, Тошкент фармацевтика институти анорганик, аналитик, физик ва коллоид кимё кафедрасининг профессори, кимё фанлари доктори

Реклама ўрнида

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муборак бўлсин!

Сизни Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз. Юртимиз фаровонлиги йўлидаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизга зафарлар тилаймиз.

Хурмат билан, АТБ "Капиталбанк"



"YOSH KUCH PRESS MATBUOT" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни табриклайди. Тилагимиз: юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ҳамма ўйлаган эзгу ишларимиз рўёбини кўриш насиб этсин.



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, СОҲА ХОДИМЛАРИ!
Сизни жонажон юртимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан самимий табриклаймиз.
Юртимиз фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган барча бунёдкорлик ишларингизда улкан ютуқлар тилаймиз.
Хонадонингиз обод, дастурхонингиз тўкин бўлсин!

"ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ УЛГУРЖИ БОЗОРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами барчангизга муборак бўлсин. Улуғ айём қалбларимизга шоду хуррамлик, хонадонларимизга фаровонлик, қут-барака олиб келсин. Ҳар биримизни бунёдкорлик ва яратувчанлик иштиёқи асло тарк этмасин!



"IBRAGIMOV XUSAN NASIROVICH" ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

"ИСТЕЪМОЛДА БЎЛГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР СЕРГЕЛИ БОЗОРИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан қизғин муборакбод этади.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!

Реклама ўрнида

“МИРОБОД ТЕКСТИЛ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 25 йиллик айёми билан чин қалбдан муборакбод этгани ҳолда юртимизга доимо тинчлик, фаровонлик тилайди.

Ҳар бир хонадонни бахт-саодат, қут-барака, осойишталик тарк этмасин.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!



ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИ!

Сизларни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан эзгу ниятларни изҳор этган ҳолда қутлаймиз. Улкан орзу-умидлар, қувончларга тўла бу айём ҳар бир хонадонга файзу барака ва фаровонлик келтирсин.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар!



ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ТРАНСПОРТНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ЖАМОАСИ



ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ





соҳа ходимларини ва барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг қутлуғ йигирма беш йиллиги байрами билан муборакбод этади. Элимиз фаровонлиги, юртимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган ишларингизда доимо муваффақият ёр бўлсин. Ўзбекистонимиз Мустақиллиги ва тинчлиги абадий бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан табриклаб, бахт-саодат, фаровон турмуш, олиб бораётган эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Толеингиз баланд, умрингиз узоқ бўлсин!



“NISO-TEXSTIL-SERVIS” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами билан қизғин қутлайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

узоқ кутилган орзуларимиз амалга ошган кун — Истиқлол байрами билан муборакбод этади. Тинчлигимиз, тараққиётимизнинг асоси бўлган Мустақиллик байрамининг 25 йиллиги ҳар бир оилага ўзгача қувонч, фаровонлик ва барака олиб келсин. Ҳар биримиз эзгу мақсадлар сари интилиб яшайлик. Юртимиз фаровон, бўлиб, давлатимиз янада равнақ топаверсин.

Ишонч телефони: 242-12-35

Очиқ эшиклар куни – жума

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида







"Auto Gold Grant" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳосининг боскичма-боскич ошириб бориш тартибида 2016 йил 15 сентябрь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмокда:

Савдоларга суд Департаментининг Тошкент шаҳар Олмазор туман СИБ томонидан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилган: 1. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 22.02.2013 йилдаги 1-10/2013-сонли ижро ҳужжатига асосан ГАЗ-2705-14 р-ли, оқ рангли, 2007 йилда и/ч, т/с, д/б 10/983ВС, авто-на б/б- 27 679 856 сўм. "Space arsenal service" МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланмокда. 2. ЖИБ Тошкент вилоят Бўстонлиқ туман судининг 24.12.2010 йилдаги 1-316/10-сонли ижро ҳужжатига асосан Дамас р-ли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 01Q213СА, енгил авто-на б/б - 13 365 000 сўм. "Чорсу" жарима майдончасида Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., Шайхонтоҳур кўчаси, 1-уйда сақланмокда.

Суд Департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман СИБ томонидан "Space Arsenal Service"МЧЖда, Тошкент ш., Яккасарой т., Олтин водий кўчаси, 29-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари: 1. 05.12.2014 йилдаги 39616/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 р-ли, қизил рангли, 1981 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Q079НА, енгил авто-на б/б - 3 388 309 сўм. 2. 20.10.2014 йилдаги 33296/19-сонли ижро ҳужжати Матиз р-ли, оқ рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 01 В725ОА, енгил авто-на б/б - 19 259 340 сўм. 3. 23.07.2015 йилдаги 19123/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21061 р-ли, бақлажон рангли, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 R897JA, енгил авто-на б/б - 6 851 395 сўм. 4. 11.08.2014 йилдаги 16020/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2102 р-ли, бежевый майк рангли, 1974 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L769РА, енгил авто-на б/б-5 874 108сўм. 5. 12.08.2015.йилдаги 19790/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2107 р-ли, оқ рангли, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 А078NA, енгил авто-на б/б - 9 910 134 сўм. 6. 11.08.2014 йилдаги 23697/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21099 р-ли, сафари рангли, 1995 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G032НА, енгил авто-на б/б - 6 276 792 сўм. 7. 12.08.2015 йилдаги 19796/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2102 р-ли, оқ рангли, 1979 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G589NA, енгил авто-на б/б - 3 791 683 сўм. 8. 09.11.2015 йилдаги 27664/6-сонли ижро ҳужжати Матиз р-ли, оқ, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01 Т059NA, енгил авто-на б/б - 21 911 781 сўм. 9. 09.04.2015 йилдаги 8431-32/19-сонли ижро ҳужжати Матиз р-ли, молочно-бежевый, 2002 йилда и/ч, т/н, д/б 01 539НСА, енгил авто-на б/б - 10 701 059 сўм. 10. 09.04.2015 йилдаги 8431-32/19-сонли ижро ҳужжати Матиз р-ли, молочный, 2004 йилда и/ч, т/н, д/б 01 448НСА, енгил авто-на б/б - 11 845 484 сўм. 11. 09.11.2015 йилдаги 27669/6-сонли ижро ҳужжати Матиз-Бест р-ли, кулранги, 2007 йилда и/ч, т/н, д/б 10 V686GA, енгил авто-на б/б - 17 077 506 сўм. 12. 12.05.2014 йилдаги 16190/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-21011 р-ли, оқ рангли, 1975 йилда и/ч, т/н, д/б 01U894РА, енгил авто-на б/б - 2 100 588 сўм. 13. 12.08.2015 йилдаги 19791/19-сонли ижро ҳужжати Спарк р-ли, оқ рангли, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б 01Y540RA, енгил авто-на б/б - 35 150 000 сўм. 14. 05.02.2015 йилдаги 1902/19-сонли ижро ҳужжати МАТИЗ р-ли, оқ рангли, 2007 йилда и/ч, т/н, д/б 01Q892ВА, енгил авто-на б/б - 19 059 500 сўм. 15. 21.01.2015 йилдаги 609/19-сонли ижро ҳужжати СПАРК М300 р-ли, оқ рангли, 2011 йилда и/ч, т/н, д/б 01 О082ОА, енгил авто-на б/б - 28 688 274 сўм. 16. 12.05.2014 йилдаги 16187/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 р-ли, сариқ рангли, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 50 Т514GA, енгил авто-на б/б - 8 644 682 сўм. 17. 23.07.2015 йилдаги 19120/6-сонли ижро ҳужжати ТИКО р-ли, синий металлик, 1994 йилда и/ч, т/н, д/б 10 U 114 АА, енгил авто-на б/б - 12 062 602 сўм. 18. 21.01.2015 йилдаги 634/19-сонли ижро ҳужжати МАТИЗ р-ли, оқ рангли, 2010 йилда и/ч, т/н, д/б 10Y740СА, енгил авто-на б/б - 21 011 494 сўм. 19. 24.04.2015 йилдаги 9247/19-сонли ижро ҳужжати МАТИЗ р-ли, серебристый хамелеон рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 D638КА, енгил авто-на б/б - 21 030 942 сўм. 20. 30.07.2015 йилдаги 19343/6-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 р-ли, светло-серый рангли, 1976 йилда и/ч, т/н, д/б 01 В760RA енгил авто-на б/б - 6 365 000 сўм. 21. 21.01.2015 йилдаги 635/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2103 р-ли, қизил рангли, 1974 йилда и/ч, т/н, д/б 10 В126КА, енгил авто-на б/б - 5 332 064 сўм. 22. 11.08.2014 йилдаги 23695/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2107 р-ли, оқ рангли,1998 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L470НА, енгил авто-на б/б -13 392 206 сўм. 23. 11.08.2014 йилдаги 23696/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ-2106 р-ли, оқ рангли,1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G306QA, енгил авто-на б/б - 4 733 019 сўм. 24. 22.01.2014 йилдаги 2273/19-сонли ижро ҳужжати ВАЗ 2106 р-ли, жигарранг, 1978 йилда и/ч, т/н, д/б 10 J106FA, енгил авто-на б/б - 4 473 758 сўм. 25. 26.08.2011 йилдаги 15694/21-сонли ижро ҳужжати BMW -316 р-ли, кулранги, 1981 йилда и/ч, т/н, д/б 11 Z5740, енгил авто-на б/б - 2 893 935 сўм. 26. 19.07.2016 йилдаги 27654/6-сонли ижро ҳужжати МАЗ-5432 р-ли, яшил рангли, 1983 йилда и/ч, т/н, д/б 10 В946АА, юк авто-на б/б - 68 465 550 сўм.

"Зафар-И" божхона омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

1. 16.04.2012 йилдаги 13368/5-сонли ижро ҳужжати ГАЗ-53 р-ли, бежевий, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 987 FAA, енгил авто-на б/б - 4 823 654 сўм. 2. 29.04.2013 йилдаги 11242/10-сонли ижро ҳужжати СР416- р-ли плуг, б/б - 37 243 746 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2016 йил 15 сентябрда такроран ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2016 йил 13 сентябрь соат 18:00 да тўхтатилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади.

Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган "закалат тўғрисидаги келишув"-га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Auto Gold Grant" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли банк" Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136949 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

"Toshshahar ETK" АЖ 22 метрлик ISUZU NQR 71 PL автокўтаргич сотиб олиш учун

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Автокўтаргич 2016 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бутланган, хизмат муддати кафолатланган бўлиши шарт. Тендер 2016 йил 15 сентябрь куни бўлиб ўтади. Мурожаат учун манзил: Амир Темур берк кўчаси, 6-уй, телефонлар: 233-75-79, 291-18-29, 291-30-03, факс 233-03-59, e-mail: tashgorpes@uzbekenergo.uz

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Реклама ўрнида



Юртимиз Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами барчангизга муборак бўлсин, азиз ҳамшаҳарлар! Эзгу тилагимиз шуки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, ҳудудларимиз гуллаб-яшнасин. Ватанимиз ободлиги йўлидаги эзгу ишларингизда барчангизга куч-қувват тилаймиз.

"ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ" ЖАМОАСИ

"NAVRO`Z PTK" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами билан муборакбод этади. Юрт равнақи, Ватан тараққиёти йўлида амалга ошираётган ишларингизда омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ЮРТ РАВНАҚИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ишончли норматив базаси ва кафолатлари яратилди.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун яратилган қулайликлар янада кенгайтирилиб, мустаҳкамланганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, мазкур Фармон билан хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Хусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш масаласи мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши ва янги иш ўринларининг яратилишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида республика бозори зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойимоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан республикамизда 1996 йилда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ташкил этилди ва тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширишларнинг барчасини ушбу Кенгаш билан келишилган ҳолда ўтказилиши бўйича янги тартиб жорий этилди. Ўтган даврда бу тизим ўз самарасини бериб, назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашувларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширишлар тизими янада такомиллаштирилди. Жумладан, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид барча текширувлар режали тартибда назорат органлари томонидан тўрт йилда бир мартадан, бошқа хўжалик субъектларида эса уч йилда бир мартадан кўп бўлмаган тартибда амалга оширилиши белгиланди. Илгари бу даврийлик фақатгина молия хўжалик фаолияти билан боғлиқ режали текширишлар учун жорий этилган бўлиб, бошқа режали текширишлар эса қоида тариқасида бир йилда бир марта ўтказилиши ҳам мумкин эди.

Шу билан бирга қонун ҳужжатларига асосан солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишда мораторий қўлланилмоқда.

Бугунги кунда Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркор фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Туманда 1029 та корхона ва ташкилотлар фаолият юритаётган бўлса, уларнинг барчаси учун солиқ инспекцияси ходимлари томонидан зарур тавсиялар бериб борилмоқда.

Туманда ўтказилаётган ҳар бир текширишни назорат қилиб бориш ва улар фаолиятида ўтказилаётган ноқонуний текширишларни тезкорлик билан аниқлаб, бартараф этиш мақсадида бир қатор ташкилотлар билан доимий равишда амалий чора-тадбирлар жорий этилган. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқларни ўз вақтида тўлаш, улар фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат қилиш юзасидан инспекцияда барча шарт-шароитлар мужассам. Солиқ тўловчилар билан мулоқотлар, ишонч телефонлари доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун барча имкониятлар яратиб берилгани қувонарли ҳолдир. Тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши, ўз фаолияти давомида солиқларни тўлашлари, яратиб берилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишлари таҳсинга лойиқдир. Бу ҳолатларни янада ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишлар давлатимиз томонидан доимий эътиборда.

Ф.ТОҒАЕВА,
Бектемир туман давлат солиқ инспекцияси Солиқ текширишлари бўлими бошлиғи





Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси" танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Танловлар

ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банкнинг шаҳар бошқармаси, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг шаҳар бўлими ва бошқа бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизлари ўртасида тадбиркорликни тарғиб этиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар, айниқса, касб-ҳунар коллежини битираётган қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларнинг бу борадаги билим ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бундай тадбирларнинг ўтказиб борилишида, Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда дастуруламал бўлмоқда.

Танловнинг туман босқичларида 91 нафар тадбиркор бўлиш истагида бўлган битирувчи қизлар иштирок этган эдилар. Саралаш босқичидаги суҳбат, семинар машғулотларида ўз иқтидорини намоён этган, ижтимоий аҳамиятга эга бизнес лойиҳалар ишлаб чиққан 15 нафар қиз эса танловнинг Тошкент шаҳар босқичида иштирок этди.


Иштирокчи қизлар йўналишлари турли-туман бўлишига қарамасдан бор маҳоратларини ишга солдилар.

Танловнинг "Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа" йўналишида Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-ҳунар коллежи битирувчиси Шоҳсанам Нўъмонжонова, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зарнигор Тошмуратова, "Сервис соҳасида энг яхши лойиҳа" йўналишида Сергели енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежи битирувчиси Мафтуна Отабоева, Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи битирувчиси Хадичаой Ҳожиева шаҳар босқичида ғолиб деб топилиб, танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

– Бу танловда ғолиб бўлиш мен учун катта шараф, – дейди Мафтуна Отабоева. – Биз ёшлар учун яратилиб берилаётган бундай кенг имкониятлар учун Президентимиздан миннатдормиз. Келажакда билим ва малакамни ошириб, бизнес лойиҳаларим билан халқимиз иқтисодиётига ўз ҳиссамни қўшиб, юрт фаровонлиги ва тараққиёти йўлида астойдил хизмат қиламан.

Танлов якунида иштирокчи қизларга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитасининг ташаккурномалари ва Марказий банк томонидан тақдим этиладиган имтиёзли сертификатлар топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар



Муҳаммад Амин олган сурат

Ўзбекистон спорт делегацияси XV Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун 30 август куни Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига жўнаб кетди.

Паралимпия ўйинлари – 2016

ЎЗБЕКИСТОН ПАРАЛИМПИЯЧИЛАРИ БРАЗИЛИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Тошкент халқаро аэропортида паралимпиячиларимизни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, спорт жамоатчилиги вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом турмуш тарзини шакллантириш жараёнида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, ногирон ва жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг ҳам билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва интилишига кўра касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани таъкидланди.

Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида вояга етган паралимпиячиларимиздан 32 нафари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XV Паралимпия ўйинларида спортнинг дзюдо, сузиш, енгил атлетика, ўқ отиш ва пауэрлифтинг турлари бўйича 58 йўлланмани қўлга киритди.

Паралимпия ўйинлари – ногирон ва жисмоний имконияти чекланган спортчиларнинг энг йирик халқаро спорт анжуманидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида"ги Қарори асосида юртимиз паралимпиячилари ҳам мазкур мусобақага пухта тайёргарлик кўрди. Спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Паралимпия ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Ўтган давр мобайнида паралимпиячиларимиз жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирларда муносиб иштирок этди. 2014 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида спортчиларимиз 22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Жорий йилнинг 7-18 сентябрь кунлари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XV Паралимпия ўйинларида дунёнинг 170 дан зиёд давлатидан тўрт мингдан ортиқ спортчи 23 спорт тури бўйича мусобақаларда медаллар учун курашади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори паралимпиячиларимизнинг тўрт йиллигининг энг нуфузли мусобақасида муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

– Яқинда ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган юксак ғалабалар бизни ҳам руҳлантириб юборди, кучимизга куч қўшди. Насиб қилса, Паралимпия ўйинларида мен ҳам олтин медалга сазовор бўлиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами – мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлайман, – дейди ЎзА мухбирига дзюдочи Ш.Халилов.

– Паралимпия ўйинларида сузишнинг бешта йўналиши бўйича баҳсларда қатнашаман, – дейди Фотима Омилова. – Мазкур нуфузли мусобақага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрдик. Мамлакатимизда биз, ёшларнинг таълим-тарбия олишимиз, спорт билан мунтазам шуғулланишимиз учун кенг имкониятлар яратилган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон ёшларининг иродасини, шижоатини, салоҳиятини намоён қилишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Енгил атлетикачи Мавлон Ҳайдаров, сузувчи Шоҳсанам Тошпўлатова Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдириб, Паралимпия ўйинларида халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлашга, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига муносиб совға билан қайтишга ваъда берди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Каримов сўзга чиқди.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ВАТАН БОЛАЛАР МАДҲИ НИГОҲИДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда юртимиз мустақиллигининг 25 йиллик тантаналари муносабати билан ўсиб келаётган авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялаш мақсадида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Яшнобод Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан тумандаги 30-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокида "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Яшнобод туман Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мамлакатимиздаги мислсиз ўзгаришлар, таълим, спорт, бир сўз билан айтганда барча жабҳаларда янгича ислоҳотлар амалга оширилаётгани, тинчлигимизнинг таъминланиши йўлида миллий армиямиз салоҳияти ва кучи кун сайин юксалиб бораётгани, бу борада Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳам ўз ҳиссасини қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда байрам муносабати билан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди.

* * *

"Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели Ўқув СТК" унитар корхонаси томонидан тумандаги "Нўғайқўрғон" маҳалласида истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ҳамда мурувват уйи тарбияланувчилари ўртасида "Ватан мадҳи болалар нигоҳида" деб номланган расм чизиш бўйича танлов ўтказилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, эртанги кунимиз эгаларини ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялашда бу каби тадбирларнинг ўрни катта. Ватанни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муҳимлигини тушуниб етган ёшларнинг ижодий ишлари одилона баҳоланди. Ғолибларга эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СЎЗЛАР САДОСИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан "Тарихий сўзларнинг сеҳрли садоси" мавзуида кўргазма очилди.

Музей директори Х.Файзиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида миллий ўзлигимизни англаш, бой тарихимиз, маданий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Кўргазмада андижонлик моҳир уста Абдумалик Мадраимовнинг шахсий коллекциясидан ўрин олган қирқдан зиёд буюм намойиш этилмоқда. Коллекциядаги чолғу асбоблари икки даврга бўлинган: биринчиси темурийлар даврининг тарихий тикланган созлари, иккинчиси эса мустақиллик йилларида темурийлар даври созгарлиги анъаналари давом эттирилиши натижасида яратилган намуналар.

А.Мадраимов Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган. "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали, турли симпозиумлар ва бошқа тадбирларда чолғу созлар коллекцияси билан фаол қатнашиб келмоқда.

Уста IX-XVI асрларда бобокалонларимиз томонидан яратилган, кейинчалик унутилиб кетган мумтоз мусиқа асбобларини қайтадан тиклаб келмоқда ҳамда уларнинг янги замонавий нусхаларини яратиш билан шуғулланмоқда. Ҳунармандниг самарали ижодий меҳнати ва изланиши натижасида ғижжак Бобурий, дилрабо, дилнаво, мерос, хушнаво, қўштор, чанги қақнус деб номланган созлар яратилди.

А.Мадраимов яратган мумтоз созларнинг энг саралари Темурийлар тарихи давлат музейи, Андижондаги Бобур ва жаҳон маданияти музейининг доимий кўргазмаси, Англия қироллик музейи, Япония санъат музейларидан ўрин олган, дунёнинг 43 давлатига экспорт қилинган.

Моҳир уста юздан ортиқ шогирдига ҳунармандлик сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.

Ш.МАМАТУРОПОВА, ЎзА мухбири

Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида умумтаълим мактабларининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, педагог-ўқитувчилар учун ўқув-семинар ўтказилди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мирзо Улуғбек туман Маънавият тарғибот бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, умумтаълим мактаблари директорлари, уларнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари Мамадали Эронов ва бошқалар мамлакатимизда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳиятли, бой дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Семинарда Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида барча умумтаълим мактабларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Мустақиллик дарсларини ташкил этиш, ўғил-қизлар онгига истиқлол неъматларининг қадрига етиш, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, жамиятимиздаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик каби эзгу тушунчаларни чуқур сингдириш, "Биз кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик?" деган ҳаётий ҳақиқатни тушунтириш юзасидан тавсиялар берилди.

— Бугунги ўқув-семинарда таълим муассасаларида ёшларнинг маънавий-маърифий савиясини оширувчи маънавият соатларини ташкил этиш, навқирон авлоднинг тафаккурини бойитишга оид янги билим ва тажриба олдик, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани 286-умумтаълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Бибихоним Раҳмонова. – Ўқувчи-ёшларнинг илк сабоғи – Мустақиллик дарсларидан бошланади. Унда мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ишларнинг юксак самаралари, ёшларга оид давлат сиёсатининг моҳияти ва унинг ёшлар камолотида тутган ўрни тарғиб қилинади. Бундан кўзланган мақсад ўғил-қизларимизнинг яхши ўқиб, замонавий касб-ҳунарларни эгаллаб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишини таъминлашдир. Шу билан бирга, мазкур дарслар ўқувчи-ёшлар онгида она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарда Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида", "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир" номли асарларининг мазмун-моҳияти ва уларда белгилаб берилган устувор ғоялар, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларни турли мафкуравий таҳдид ва хуружлардан асраш, уларда ҳаётга онгли муносабатни шакллантириш, дахлдорлик туйғусини юксалтиришга доир маърузалар тингланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ПОЛВОНЛАРИМИЗ ТАРКИБИ МАЪЛУМ

Спорт курашлари бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Францияда ёшлар ўртасида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида иштирок этувчи таркиби маълум бўлди.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси матбуот хизматининг хабар беришича, жаҳон чемпионатида тўлиқ таркибдаги эркин, юнон-рум ҳамда аёллар кураши бўйича терма жамоамиз баҳсларга киришади.

Жаҳон чемпионати Франциянинг Макон шаҳрида бўлиб ўтади. Йилнинг ушбу нуфузли мусобақаси 30 август куни старт олади ва 4 сентябрга қадар давом этади. Терма жамоамиз таркибидан асосан ўтган йили Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари жой олган.

Юнон-рум кураши: Илҳом Баҳромов — 50 кг, Жавоҳир Мираҳмедов — 55 кг, Қамариддин Зайниддинов — 60 кг, Абубакр Алимов — 74 кг, Жалгас Бердимуратов — 84 кг, Темур Мамажонов — 96 кг, Далёр Раҳматов — 120 кг. Катта мураббий — Равшан Рўзиқулов.

Эркин кураш: Ғулом Абдуллаев — 55 кг, Темур Усмонохунов — 60 кг, Давлат Исматов — 66 кг, Соиб Зуҳриддинов — 74 кг, Мажид Муротов — 84 кг, Ҳусан Раҳимов — 96 кг, Ҳасан Раҳимов — 120 кг.

Катта мураббий — Олим Ҳикматов.

Аёллар кураши: Нодира Собирова — 51 кг, Шаҳодат Жуллибаева — 55 кг, Набира Есенбаева — 59 кг, Холбозор Норбоева — 63 кг, Бахтигул Болтаниёзова — 67 кг, Лолахон Ўринбоева — 72 кг.

Катта мураббий — Аҳмет Кагарманов.

Футзал бўйича Колумбияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ва мураббийлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

ФУТЗАЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН УЧРАШУВ

Таъкидлаш жоизки, футзал мамлакатимизга кириб келганига кўп вақт бўлгани йўқ, аммо сўнгги йилларда футзалда Ўзбекистон анча катта ютуқларга эришди. Ушбу спорт турини мамлакатимизда ривожлантириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда Колумбияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш ҳамда футболчиларимизнинг ғолиб бўлишлари учун керакли тавсиялар берилди.

"Туркистон-пресс"

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 34-36 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 16.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ